

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИ ЎРНИ

Рўзиева Ў., ГулДУ доценти

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотлар мустақил фикрлаш лаёқатига эга, ақлий, маънавий-ахлоқий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан етук, баркамол инсонни тарбиялаш зарурлигини тақозо этмоқда. Зеро, баркамол авлоднинг ижтимоий фаоллиги миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар устуворлиги таъминланган ҳуқуқий жамиятни барпо этиш имкониятини беради. Шу сабабдан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ўз аксини топган ғоялар инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш имкониятини берувчи энг мақбул йўл эканлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик маънавиятининг маъноси ана шундай кенг» деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам маънавияти бой киши она-ерга, Ватанга садоқатли бўлади. Ўз ҳаётини ватанининг равнақисиз тасаввур қила олмайди.

Бола мактабга борганида маълум маънавий хусусиятларга эга бўлади, лекин ҳақиқий маънавий фазилатлар мактабда таълим-тарбия олиш жараёнида пайдо бўлади. Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фан, ҳар бир мавзу ўқувчи маънавий қиёфасининг бойишига ҳисса қўшиб боради. Айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналари болаларга кучли маънавий таъсир кўрсатиш имконига эга. Тез айтиш, мақоллар, эртаклар тажрибада синалган, минглаб йиллар давомида жамият аъзоларини энг яхши фазилатлар соҳибига айлантирган тарбия воситалари ҳисобланади.

Тез айтиш, мақоллар, халқ эртаклари мазмун жиҳатидан бой, шакл жиҳатидан хилма-хилдир. Уларнинг пайдо бўлиши ҳам узоқ ўтмишдан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Халқнинг умумий даҳоси маҳсули бўлган фольклор материаллари айнан бир халқ, бир миллат томонидан яратилса ҳам, умуминсоний қиймати кучли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тез айтишда, мақолларда, эртакларда турли халқларда яратилган, мазмун жиҳатидан бир хил, ёки бир-бирига яқин бўлган материаллар учраб туради. Бу ҳол халқ оғзаки ижодини умумбашарий таъсирга эга эканлигидан далolat беради.

Тез айтишлар, мақоллар, эртаклар мазмунига қараб, ёшларни тарбиялашни турли йўналишларини, ақлий, ахлоқий, жисмоний, руҳий, эстетик, меҳнатсеварлик ва бошқа хусусиятларни таркиб топтиришга қаратилган бўлади.

Инсон камолотининг бирор соҳаси йўқки, унга тез айтиш, мақоллар, эртаклар таъсир этмаган бўлсин. Айрим материаллар ёшларни тарбиялашни қонун-қоидалари, принциплари, методларини акс эттириш билан ажралиб туради. Шундай имкониятларга эга бўлган халқ оғзаки ижоди бошланғич синфларда таълимнинг асосий мазмуни таркибига киритилган ҳолда ўрганиб келинади.

Фольклоршунос олимлар Х.Т.Зарипов, М.И.Афзалов, М.Алавия, М.Муродов, Ғ.Жаҳонгиров, Т.Мирзаев, Т.Обидова, З.Хусайновларнинг тадқиқотларида халқ оғзаки ижоди жанр хусусиятлари, бадиий қиймати, пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳақидаги қарашлари катта илмий аҳамиятга эга эканлигини тан олиш зарур.

Маълумки, инсон баркамоллиги унинг маънавий кадриятлар ҳақидаги халқ оғзаки ижоди ёшларда миллий ва умуминсоний фазилатларни таркиб топтиришда, кундалик фаолиятларида доим амалга ошириб боришлари учун энг қулай воситадир. Зеро, халқ оғзаки ижоди болалар ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Улар ўқувчиларга самарали тарбиявий таъсир қилиб, маънавий ва ахлоқий шаклланишларида катта ёрдам кўрсатади.

